

## ТАБИЙ ГАЗ БОЙЛИГИМИЗ УНИ ТЕЖАБ ИШЛАТИШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

Алланазаров Қўлдош Олимович

Термиз давлат университети. Архитектура ва қурилиш  
факултети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5579327>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> October 2021

Accepted: 10<sup>th</sup> October 2021

Online: 15<sup>th</sup> October 2021

### KEY WORDS

Газ, минерал,  
энергетика

### ABSTRACT

«Газ атамаси» бошқа минерал ресурслардан фарқли  
улароқ, бор йўғи уч аср илгари XVII асрда Голландиялик олим  
Ван Гельманий тамонидан биринчи бор ишлатилган

«Газ атамаси» грекча сўз бўлиб,  
«бетартиблик» деган маънони  
англатади.

Табиий газ ҳосил бўлишига биноан  
икки асосга эга. Унинг катта табиий  
қисми ер қаъридан қазиб олинади,  
қолган қисми эса қаттиқ ёки суюқ  
ёқилғидан ажратиб олинган бўлиб,  
суюқ газ деб аталади.

Ижтимоий турмушда иситиш, овқат  
пишириш, иссиқ сув тайёрлаш ва бошқа  
мақсадларда асосан табиий газдан  
фойдаланади.

Табиий газ таъминоти тушунчаси,  
унинг истимол учун қулайлиги ва уни  
транспортировка қилиш  
имкониятларининг кенлиги билан  
белгиланади. Шунинг учун табиий газ,  
истимол ва таъминот тушунчаларининг  
бирлиги орқали аҳамият касб этади.

Табиий газ таъминоти уни қазиб олиш,  
қайта ишлаш, етказиб бериш ва  
истимол қилиш жараёнларининг ўзаро  
боғлиқ бўлган тизим сифатида юзага  
чиқади. Пировардда табиий газ  
таъминоти, унинг истимоли орқали  
юзага чиқади. Республикамизда газ  
таъминоти соҳасида давлат  
сиёсатининг асосий тамойиллари  
ишлаб ишлаб чиқилган бўлиб бу асосан;

- Ўзбекистон Республикасининг  
энергетика хавфсизлигини таъминлаш.
- Истимолчиларининг ҳуқуқ ва  
манфаатларини ҳимоя қилиш .
- Газ таъминоти соҳасидаги  
муносабат субъектлари тамонидан  
қонун ҳужжатларига риоя қилиш.
- Газ таъминоти тизими  
объектларининг белгиланган саноат,  
ёғин ва экология хавфсизлиги  
талабларига риоя қилиш.

- Энергия тежайдиган технологиялар ва ҳисобга олиш приборларини жорий этиш ҳақида газ истимолни тартибга солиш учун шарт – шароитлар яратиш ва бошқа бир қанча тамойиллардир.

Бугунги кўнда Республикамизда табиий газдан 3589365 хонадон фойдаланиб келишмоқда. Шундан Самарқанд вилоятида 270851хонадон табиий газ билан газлаштирилган. Ушбу аҳоли хонадонларида ўрнатилган иситиш ускуналари газ ёндиргичлар тамонидан 1307257714 м<sup>3</sup>/йил, миқдорда газ сарфланмоқда.


Самарқанда Давлат Архитектура Қурилиш Институтини «Иссиқлик газ таъминоти, вентиляция ва сервис» кафедрасининг «Hududgaz Samarqand»

МЧЖ билан « корпоратив ҳамкор»лик шартномаси асосида ўтказилган мораторийда газлаштирилган хонадонлардаги иситиш қозонлари, иситиш печлари ҳамда сув иситиш

қозонларига ўрнатилган газ ёндиргичларининг қарийиб 70 фоизи давлат стандартларига мос бўлмаган қўлбола газ ёндиргичлардан фойдаланиб келмоқда.

Натижада бу қулбола газ ёндиргичларнинг самарадорлиги пастлиги сабабли халқимиз бойлиги бўлган табиий газни катта миқдорда исрофгарчилигига олиб келаяпти.

«ИГТВ ва С»кафедраси профессор ўқитувчилари ва «Hududgaz Samarqand» МЧЖнинг малакали мутахассислари билан ҳамкорликда ушбу масалани ечиш яъни табиий газдан самарали фойдаланиш бўйича аҳоли хонадонлари ва бошқа коммунал маиший объектларда иситиш қозонлари, иситиш печлари ва сув иситиш қозонхоналарида ишлатиладиган «тежамкор» газ ёндиргич ишлаб чиқилди.



А)

Б)

Ушбу газ ёндиргич ўзатилаётган табиий газни ёқишда 90 фоиз самарадор бўлиб амалдаги қулбола газ ёндиргичларга нисбатан 3баравар миқдорда газни тежашга эришади шу сабабли унинг

фойдали иш коэффициенти 85-90 фоизни ташкил этади. Яъни; амалдаги бир дона қулбола газ ёндиргич бир соатда 2,3 м<sup>3</sup> газ ёқади, ўртача иситиш



мавсумида бир соатда иситиш  
печъларида 12 соат газ ёнса;

$$12\text{соат} * 2,3 \text{ м}^3 = 27,6 \text{ м}^3/\text{сутка}$$

Иситиш печълари;

$$24\text{соат} * 2,6 \text{ м}^3 = 62,4 \text{ м}^3/\text{сутка}$$

Сув иситиш қозонларида ўрнатилган  
газ ёндиргичларда бир соатда 1,4  
 $\text{м}^3/\text{соат}$  газ ёнганда;

$$24\text{соат} * 1,4 \text{ м}^3 = 36,6 \text{ м}^3/\text{сутка}$$

Самарқанд вилоятида газлаштирилган  
хонадонларда газлаштирилган иситиш  
ускуналарида бўғунги кўнда;

243704 дона иситиш печълари.

38263 дона иситиш қозонлари.

18484 дона сув иситиш қозонларида  
қўлбола газ ёндиргичлардан  
фойдаланиб келаётганлигини инобатга  
олганда қуйидагича газ сарфланишига  
гувоҳ бўламиз;

- Газлаштирилган иситиш  
печъларида;

$$1\text{дона} * 2,3 \text{ м}^3 = 2,3 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$243704\text{дона} * 2,3 \text{ м}^3/\text{соат} = 560519 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$560519 \text{ м}^3/\text{соат} * 12\text{соат} = 6726230$$

$\text{м}^3/\text{сутка}$

$$6726230 \text{ м}^3/\text{сутка} * 132\text{кун} = 881136130 \text{ м}^3/\text{йил}$$

- Газлаштирилган иситиш  
қозонларида;

$$1\text{дона} * 2,6 \text{ м}^3 = 2,6 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$38263\text{дона} * 2,6 \text{ м}^3 = 99483,8 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$99483,8 \text{ м}^3/\text{соат} * 24\text{соат} = 2387615 \text{ м}^3/\text{сутка}$$

$$2387615 \text{ м}^3/\text{сутка} * 131\text{кун} = 312777696 \text{ м}^3/\text{йил}$$

йил

- Газлаштирилган сув иситиш  
қозонларида;

$$1\text{дона} * 1,4 \text{ м}^3 = 1,4 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$18484\text{дона} * 1,4 \text{ м}^3 = 25877,6 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$25877,6 \text{ м}^3/\text{соат} * 12\text{соат} = 310531 \text{ м}^3/\text{сутка}$$

$$310531 \text{ м}^3/\text{сутка} * 365\text{кун} =$$

$$113343888 \text{ м}^3/\text{йил}$$

йиллик газ сарфи;

$$881136130 \text{ м}^3/\text{йил} + 312777696 \text{ м}^3/\text{йил}$$

$$+ 113343888 \text{ м}^3/\text{йил} = 1307257714$$

$$\text{м}^3/\text{йил},$$

Қулбола газ ёндиргичлар билан жами; 1  
307 257 714  $\text{м}^3/\text{йил}$  ҳажида газ  
сарланади.

Бизлар тамономиздан таклиф  
қилинаётган маиший газ ёндиргич  
соатига 0,4  $\text{м}^3$  бир суткада 4,8  $\text{м}^3$  газ  
сарфланишини ҳисобга олиб,  
Самарқанд вилоятида  
газлаштирилган хонадонлардаги жами  
429 212 дона иситиш ускуналаридаги  
газ ёндиргичлари алмаштирилса;

- Иситиш печълари 243704 дона

$$1\text{дона} * 0,4 \text{ м}^3 = 0,4 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$243704\text{дона} * 0,4 \text{ м}^3/\text{соат} = 97481 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$97481 \text{ м}^3/\text{соат} * 12\text{соат} = 1169779$$

$\text{м}^3/\text{сутка}$

$$1169779 \text{ м}^3/\text{сутка}$$

$$* 132\text{кун} =$$

$$15410854 \text{ м}^3/\text{йил}$$

- Газлаштирилган иситиш  
қозонлари 38 263 дона 1 дона \* 0,4  $\text{м}^3 =$   
0,4  $\text{м}^3/\text{соат}$

$$38263\text{дона} * 0,4 \text{ м}^3 = 15305 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$15305 \text{ м}^3/\text{соат} * 24\text{соат} = 367324 \text{ м}^3/\text{сутка}$$

$$367324 \text{ м}^3/\text{сутка} * 131\text{кун} = 48119548$$

$\text{м}^3/\text{йил}$



- Газлаштирилган сув иситиш қозонлари  $18\,484$  дона  $1$  дона  $\cdot 0,4\text{ м}^3 = 0,4\text{ м}^3/\text{соат}$

$18\,484$  дона  $\cdot 0,4\text{ м}^3 = 7\,393\text{ м}^3/\text{соат}$

$7\,393\text{ м}^3/\text{соат} \cdot 24\text{ соат} = 177\,446\text{ м}^3/\text{сутка}$

$177\,446\text{ м}^3/\text{сутка} \cdot 365\text{ кун} = 64\,767\,936\text{ м}^3/\text{йил}$

Тавсия қилинаётган газ ёндиргичлар газ йиллик газ сарфи;

$154\,108\,54\text{ м}^3/\text{йил} + 48\,119\,548\text{ м}^3/\text{йил} + 64\,767\,936\text{ м}^3/\text{йил} = 128\,298\,338\text{ м}^3/\text{йил}$

Жами таклиф қилинаётган газ ёндиргичлар газлаштирилган аҳоли хонадонларида ўрнатилганда бир йилда  $128\,298\,338\text{ м}^3$  табиий газ сарфланади.

Шундай экан қўлбола газ ёндиргичларда сарфланадиган газ сарфи билан таклиф қилинаётган газ ёндиргичларидан сарфланадиган газ миқдорини солиштирганимизда.

Қўлбола газ ёндиргич йиллик газ сарфи иситиш печьларида  $130\,725\,7714\text{ м}^3/\text{йил}$ , таклиф қилинаётган газ ёндиргич газ сарфи иситиш печьларида  $128\,298\,338\text{ м}^3/\text{йил}$ , демак таклиф қилинаётган маиший газ ёндиргичлар самарадорлиги ҳисоб-китоблардан натижасига кўра тежамкордир.

Изланишлар ва ўрганишлар натижасига асосан шундай хулосага келиндикки, агар вилоятнинг газлаштирилган хонадонларида ўрнатилган қўлбола газ ёндиргичларга алмаштирилса вилоятда йилига  $117\,895\,9376\text{ м}^3$  табиий газ тежалади ва бу газ иситиш мавсумида аҳоли хонадонларини газ билан узлуксиз таъминлашга ўз ҳиссасини қушади ва энг асосийси Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев сўзларига кўра «Халқимизнинг рози бўлиши» га эришилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти С.М. Мирзиёевнинг 2019 йил 21-феврал кўни «Нефт – газ ҳамда кимё саноатида олиб борилаётган ислохатлар» масалаларига бағишланган йиғилиш материаллари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президининг 2017 йил 13-ноябрдаги ПҚ-3384 сонли електрик энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автаматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш тўғрисидаги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президининг 2017 йил 20-апрел ПҚ-2907 сон газ таъминоти тизимида бозор механизмлари кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори.

Вазирлар маҳкамасининг 132 сонли қарори 2005 йил Табиий истимолчилари ва газ билан таъминловчи ташкелотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб китобларни такомиллаштириш тўғрисидаги қарори